# КЎКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

## НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

### «ҚАРИЯ ДЕМАНГ БИЗНИ...»

Байрам арафасида ҳар хил ташаббуслар чиқаверарканда! Фарғоналик оқсоқоллар ҳам ғайратга тушиб қолишди. Улар вилоят бўйича кўчат ўтказиш ойлигини ўтказишга ҳаммани даъват этишиб, мурожаат билан чиқишди.

Шунга кўра уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири тўрт тупдан кўчат ўтказишга тушиб кетди. «Белида белбоғи бўлган оқсоқоллар, қаердасиз?» деб бошланган ташаббус бутун вилоятда акс-садо берди. Рамазон ҳайтидан бошланган ойлик ҳозир роса авжига чиққан.

Оқсоқолларнинг ғайратига бошқалар қараб турармиди? Ҳа деган туяга мадад деганларидек, тиниб-тинчимаган қариялардан сўнг вилоятдаги барча ишлаб чиқариш жамоалари, ўқув юртлари, хўжалик ва муассасалар ҳамда маҳаллаларда бу хайрли иш ростакам «ким ўзарга» айланиб кетди. «Бўстонга қиёсланадиган Фарғона замини энди ҳақиқий жаннат тусини олади, буёғига мана биз кафилмиз», - дейишяпти ташаббускор чоллар.

### «МЕҲРИБОНЛИК»НИНГ МЕҲРИБОНЛИКЛАРИ

Қизил Ярим Ой жамиятининг Боғдод тумани ташкилоти қошида фаолият кўрсатаётган «Меҳрибонлик» кичик корхонаси Наврўз арафасида кўп ва хўп ишларни амалга ошираяпти. Корхона жамоаси туман меҳнаткашлари ҳузурида мамлакатимиздаги номдор санъаткорларнинг чиқишларини уюштиришди. Хайрия концертларидан тушган маблағ хайрия ишларига сарфланмоқда. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисиз қариялар ва болалар уйига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамидан кўпчиликнинг кўнгли тоғ бўлди. «Меҳрибонлик» раиси Юсуфжон Ҳамдамов куни кеча хориждан сотиб олинган ногиронлар аравачасини туманда яшаётган яна икки хаста ўсмирга совға қилди.

### ПРОФЕССОР ҚИШЛОҚ КЕЗАДИ

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Фарғона вилояти бўлимининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Одил ака Ибрагимовни бугун хизмат хонасидан топаолмаётганлар кўп. Одил акам Наврўзолди юришларини бу йил ҳам канда қилмади. У вилоят қишлоқларида истиқомат қилаётган эътиборталаб кишиларга бўлимнинг байрам совғаларини улашиб юрибди.

Яқинда ана шундай совғалар Фарғона Давлат университетининг тиббиёт марказида таҳсил кўраётган 50 нафар кўп болали оилаларнинг фарзандларига ҳам тарқатилди.

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон» мухбири.

*Ҳозирги ёшлар*

## ШИРИНҚУЛ ҲАМ ЧЎПОН БЎЛДИ

- ҒОЛИБГА МУКОФОТ
- ХЎРЛИГИМ КЕЛДИ
- ЁЗДА ДАМ ОЛАМИЗ

Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Мева-сабзавот ва узумчилик давлат-кооператив концерни, Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплекси касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан уюштирилган ёшлар жамоалари ўртасида ташкил этилган меҳнат мусобақасида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришгани учун Фориш туманидаги «Фориш» давлат хўжалиги бош чўпони Ширин Турдиев ғолиб деб топилди.

Жиззах вилоят ЁИ қўмитасининг навбатдаги пленумида Ширин Турдиевга тантанали суратда Фахрий Ёрлиқ ва пул мукофоти топширилди. Дам олишга бепул йўлланма Шириннинг хоҳишига қараб, кейин бериладиган бўлди.

Ширин билан йиғиндан сўнг учрашдик.

— Табриклаймиз.

— Раҳмат, — деди Ширин ёрлиқнинг қалин қизил муқовасини оҳиста силаркан.

— Илгари ҳам шунақа мукофотлар олганмисиз?

— Райондан беришарди, ҳа.

— Мусобақага Тошкентга бордингизми?

— Йўқ, йиллик якунларни ёзиб кетишганди. Кейин «ғолиб бўлдинг», дея хабар беришди.

— Хабарни эшитиб, ўзингизни қандай ҳис этдингиз?

— Хўрлигим келди. Бўладику, шундай ҳол. Қувончдан хўрлигинг келади. Ўтган йили қишдан чиқишда, тўл мавсумида қаттиқ қийналган эдик. Биласизми, ҳозир биз учун энг оғир муаммолардан бири — кирза этик. Топилмайди. Пулингга ҳам.

— Бепул йўлланма ўрнига кирза этик олишга рози бўлармидингиз?

— Ҳа, йўқ, унчаликмас.

— Дам олишга бормоқчимисиз? Қачон?

— Ҳозир бизда мавсум бошланяпти. Май ойида Тошкентда дам олсам деган ниятим бор, агар имкон беришса. Шаҳарниям бир кўрайлик-да.

Ширин Турдиев олти йилдан буён қўй боқади. Аввал акаси Элмуродга ёрдамчи бўлди. Кейин икковлон янги отар чиқариб, уч йилки, Ширин ҳам бош чўпон бўлди. Ўтган йили 608 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 бошдан қўзи олди.

Уйланган. Худо хоҳласа яқинда фарзандли бўлишади. Нияти: 1995 йил тўл мавсумидан эсон-омон ўтиш.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

*Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди*

АЗИЗ ЁШЛАР! Сиз катта ҳаёт бўсағасида турибсиз. Ватанимиз тарихий тараққиёт натижасида мустақилликка эришди. У янгиланмоқда. Бу катта гап. Янги шароитда порлоқ келажак қуриш сизнинг зиммангизга тушаяпти. Мустақилликни мустаҳкамлаш, халққа фаровон ҳаёт бағишлаш, бунинг учун астойдил ўқиш, фидокорона ҳалол меҳнат қилиш сизнинг муқаддас бурчингиз. Чунки Президентимиз ва ҳукуматимизнинг жами чора-тадбирлари ёш авлоднинг манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шуни унутмангки, ёшлик билан соғлиқ дунёдаги бирдан-бир гўзаллик, бебаҳо бойлик. Соғлом киши соқолмўйлоби, ялтироқ кўйлаги билан эмас, ижтимоий фойдали меҳнати билан улуғ.

Одатда ёшликнинг қадрига у ўтгандан кейин етамиз. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб кетганини билмай қоламиз. Ёшим етмишга яқинлашди, умримнинг кўп қисми илмий-педагогик фаолиятда кечди. Агар ёшликдан қариликка эмас, қариликдан ёшликка қараб яшаш мумкин бўлганида эди, ёшлигимни бошқача ўтказган бўлар эдим. Шу боис, сизга маслаҳат беришни лозим топдим. Зора биз йўл қўйган хатоларни сиз такрорламасангиз.

Биринчи маслаҳатим шуки, яхши меҳнат қиламан, ижодий ҳаёт кечираман десангиз, ўқинг. Билимдон бўлсангиз камол топасиз, яхши мутахассис бўласиз. Донишманд инсон ишнинг кўзини билиб меҳнат қилади. Бажараётган ишининг хусусиятларини, ижтимоий моҳиятини тушунади, меҳнатдан завқланиш кучлироқ бўлади унда. Пулга берилган ўқишни ташлаб тижорат йўлига кирган илмсиз болалар билан Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаб, чиройли турмуш қуриб бўлмайди. Тўғри, пул керак, лекин пулни ер юзининг худосига айлантириб, унга сиғиниш керак эмас. Қунт билан ўқиш, китоб мутолаа қилиш хотирангизни, тафаккурингизни ривожлантиради, дунёқарашларингизни шакллантиради. Ёшликда олган билим ва тажриба сизни яхши инсон бўлишингизга ёрдам беради. Маънавий бой киши ҳаётда қийинчиликлардан қўрқмайди. Ватан тақдири билан қизиқади, лоқайдлик қилмайди, дадил қадам ташлайди, яхши-ёмонни, оқ-қорани танийди, ажратади. Мақсадига эришади, келажаги таъминланади. Давлат ишларида фаол қатнашади. Астойдил интилган киши илмларнинг нурли чўққисига чиқиши мумкин албатта.

Ҳозирги мутахассис билимдон бўлиши керак. Дунёда билим кўп, умр қисқа, танлаган касбингизга тааллуқлисини маълумотлар уммонидан танлаб олишингиз керак. Билимли бўлишга иштиёқингиз бўлса бас.

Мен оғир вақтда, қаттиқ қийинчиликда ўқиганман. Кўча-кўйда, «сайраб» майда-чуйда нарса сотиб ўтирган ёш болаларни кўриб, дорилфунунда ўқиган йилларим, курсдошларим ёдимга тушади. Талабалик йилларимнинг ўша дастлабки йилларида азбаройи худо ётоқхона етишмаслигидан бир ўртоғим билан темир каровотда бир неча ҳафта ётганмиз. Кейинчалик биз ётоқхонани тарк этиб, ижрада туриш учун хусусий уй излаб чиқиб кетганмиз. Бу ижара хонамиз ҳозирги республика телевидение студияси ўрнидаги «Гилослик» деб аталувчи боши берк кўчада, полсиз, иситилмайдиган хонада беш киши қўним топганмиз. На ўзимиз овқат тайёрлардик, на биз учун биров таом пишириб берарди. Ҳозирги шоирлар хиёбони теграсида чойхона бўлиб, ҳаммамиз ўша ерда танаввул қилар эдик. Ҳозирги кўзга кўринган олим Эркин Юсупов ҳам ўша ерда биз билан бирга эди. Биз жуда оддий кун кўрардик. Ҳафтанинг охирига бориб киссамда пул қолмасди. Қишлоғим шаҳарга яқин бўлгани учун уйга бориб турардим.

Эсимда, қиш кунларидан эди. Ачаободга бориб Сағбон қабристони ёнида машина кутардик. У пайтларда ҳозиргидек автобуслар қайда дейсиз. Гоҳо-гоҳо автокачка — арава ёки юк автомашиналари ўтиб қоларди. Қор аралаш ёмғир ёғарди. Икки соат чамаси кут-

### ОЛТИН ТОПИЛАР, АММО БУ ДАМ ТОПИЛМАС

дим. Бир пайт бортининг икки ёнига ўриндиқ ўрнатилган юк машина менинг олдимга келиб тўхтади. Йўловчилар ўриниб-туртиниб, тўполон билан машинага чиқиб олишди. Мен ҳам улар қаторида амаллаб чиқиб олдим.

Шофёр эса усти очиқ машинага чиқиб йўловчилардан кира ҳақи йиға бошлади. Менинг киссамда унга берадиган сариқ чақа ҳам қолмаган эди. Қишлоғимиздан ўзига тўқ бир бадавлат кишининг ўғли мени кўрса ҳам кўрмаганга олди. Йўловчилар оралаб пул йиғар экан навбат менга ҳам келиб қолди. Мен қанчалик илтимос қилиб ёлвормай барибир бўлмади. Ҳайдовчи «туш» деб мени машинадан тушириб юборди. Қорнинг савалаши кучайди. Начора, аччиқ изғиринда пиёда 18-20 чақирим йўл босдим.

Ҳамқишлоғим, Сиддиқжон Мақсудов ҳам дорилфунуннинг биология факультетида ўқирди. Бирга ўқишга кириб, ёшлик даврларимизни бирга ўтказдик. Ўтган йили Фарғонадан хат келди. Бу сафар Сиддиқжондан эмас, балки ёшликдаги дўстимнинг ҳамқишлоғидан эди. Мактубда Сиддиқжон оғир хасталигига қарамай докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгани, у ҳақда вилоят газетасида «Ишқли кўнгил чўққини кўзлайди» деган очерк эълон қилингани ҳақида ёзилганди. Дўстимнинг бундай қувончли кунларига етиши осон бўлмади. Ёшлигида отаси фронтга кетганича қайтиб келмай, катта оила ташвиши унинг зиммасида бўлди. Сиддиқжон қийинчиликларга бардош бериб, ўқишни давом эттирди, фаннинг нурли чўққилари сари интилди. Мақсад йўлида изчил изланиш, темир ирода, саботли бўлиш деб шунга айтсалар керак-да! Яна узоқ йиллар фанга хизмат қилиб, соғ-саломат юрсинлар, қадрдон дўстим.

(Давоми 4-бетда)

*Истиқлол қалдирғочлари*

## ШРЕДЕРНИНГ «РАҚИБИ»

Суҳбатдошим уддабурон йигит. Ишнинг кўзини «уядиганлардан». 8 фарзанднинг отаси. Виночилик бўйича мутахассис. Олий маълумотли. Китоб агрофирмасида директор ўринбосари. Исм-шарифи Хушмурод Бозоров. 2х2=5 дейишни хушламайди. Орзуси Ўзбекистон виносини жаҳон бозорида кўриш.

— Айтингчи, агрофирманинг асосий иши нимадан иборат?

— Биз асосан мева-сабзавот етиштириш ва уни қайта ишлаш билан шуғулланамиз. 580 гектар узумзоримиз мавжуд. Ундан ўтган йили баҳорнинг совуқ келишига қарамасдан 6500 тонна ҳосил олдик. Фирмамизда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган Италиядан келтирилган ускуналаримиз бор. Бир мавсумда 1400 тоннага яқин маҳсулотни қайта ишлайди. Маҳсулотни аҳолига арзон нархларда етказиб бериш учун иккита дўконимиз фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари сут гўшт, тухум, асал, картошка ҳам етиштирамиз. Картошка етиштириш бўйича ўтган йили республикада энг юқори кўрсаткичга эришдик. 24 гектар ерга уруғлик экувдик, ҳар гектаридан 225 центнердан ҳосил олдик.

— Бунинг сири нимада?

— Гап шундаки, ўзимизнинг жайдари экин усули билан бундай юқори ҳосил олиш қийин. Биз Голландиядан уруғчилик картошкасини тайёрлаш учун модел олганмиз. Муваффақиятнинг калити шундан. Бундан ташқари кишиларимиз меҳнаткаш. Ернинг тилини билади. Уни алдамайди. Замин уларнинг оби-ҳаёти эканлигини яхши англайдилар. Асосийси ҳам шу.

Республикада агрофирмалар саноқли. Қашқадарё вилоятида учта ана шундай фирма фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Китоб агрофирмаси. У нафақат вилоятда, балки республикада ҳосил етиштириб уни қайта ишлаш бўйича биринчилардан. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Муовин айтганларидек муваффақиятнинг асосий калити меҳнатда албатта. Лекин у ерда бўлганимда ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар билан суҳбатлашганимда бир дунёни кашф қилгандай бўлдим.

— Етиштирилган ҳосилдан қандай фойдаланаяпсизлар?

— Италиядан келтирилган мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ускуналаримиз ёрдамида майиз, туршак каби маҳсулотларни етиштирамиз. Бундан ташқари иккита вино ишлаб чиқариш пунктимиз бор. Уларда бир мавсум мобайнида 12 минг тонна узум қайта ишланади. 20 га яқин вино турларини тайёрлаймиз. Узумларимиз шарбатбоп навлардан. Жаҳон андозаларига ва талабига жавоб берадиган винолар тайёрлаш учун қулай.

— Асосан қандай навли узумлардан вино тайёрлайсизлар?

— Бизда эса рекацтел, бояншри, саперави, геслин, мускат узум навларидан вино тайёрланади. Улар ўзимизнинг боғларда етиштирилади. Бу навлар Грузия, Венгрия, Озарбайжондан келтирилган. 1945 йилда. Кексаларнинг айтишича, ўша пайтлари ушбу токлар экилган майдоннинг гектаридан 70 тоннагача ҳосил олишган экан.

—Бугунги кунда ҳам бундай юқори ҳосилга эришиш мумкинми?

—Эҳтимоллик жуда кам. Чунки ўтган давр мобайнида еримиз азот, гербицид каби ўта кучли ва зарарли ўғитлар билан озиқлантирилди. Тупроқни ўз ҳолига келтириш учун ҳали анча-мунча вақт керак. Сабр-тоқат, меҳнат, тиришқоқлик талаб этилади. Биз бу борада ҳам айрим ишларни қилаяпмиз. Асосийси, боболаримиз қўлланган усул, ерни кўпроқ маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришимиз керак.

— Бир пайтлари социалистик мусобақа деган гап бўларди. Ҳозир ҳам хўжаликлараро бирон мусобақа борми?

—Умуман олганда айни пайтда ундай сохта мусобақалар, халқ кўзини шамғалат қилишлар ортда қолди. Эндиликда фақат имконият даражасида меҳнат қилиш керак. Меҳнат қилганда ҳам халқ учун ва ўзи учун. Бу давр талаби. Агар қандайдир мусобақаларга келсак. Биз Шредер боғдорчилик илмий-текшириш институти билангина мева-сабзавот етиштиришда беллаша оламиз. Бу мақтаниш эмас. Аниқ рақамлар шундай дейишимга имкон бермоқда.

Мана, масалан, вино ишлаб чиқаришни олайлик. Республикада вино тайёрлаш ва уни етказиб бериш бўйича беш йилдан бери етакчимиз, вино сифатини мутахассислар юқори баҳолашмоқда. Чет эл винолари билан рақобатлаша олади. Аммо, идиш масаласи муаммо бўлиб турибди. Яна бир гап. Яқинда яна иккита янги вино турини яратдик.

Китоб агрофирмасидан қайтар эканман, яккам — дуккам жойларда бодом, ўриклар гуллаганининг гувоҳи бўлдим. Кўнгилдан бир ғулу ўтди. Ишқилиб қиш баҳорни қисмасин. Деҳқонларнинг нияти вожиб бўлсин. Зеро, тўкинлигимиз, фаровонлигимиз сабабчилари шулар.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Туркистон» мухбири.



Баҳор сурури. М. АМИН сурати.

*Ишлар қалай, фермер?*

## ОТАБЕКНИНГ «ТУЛПОРИ»

- 18 ёшли фермер.
- Алижон ака нима дейди?
- 1000 тонна гўшт...

Попдаги Ширмоной Мирсултонова номли жамоа хўжалигига қарашли «Тулпор» фермер хўжалигига келишим биланоқ унинг раиси 18 ёшли фермер йигит — Отабек Фаёзовни йўқладим.

— Отабекни нариги фермадан топасиз, — деди ветврач Олимжон Ғаниев.

— Бундан ташқари яна қанақа ферма бор?, — дея сўрадим.

— Бир ойдан ошдики, яна янги ферма ташкил қилдик. Отабек ўша жойга кетди...

...Тадбиркор банкдан 240 минг сўм қарз олиб, унга 2 та техника, 70 дан ортиқ қорамол сотиб олинди. Ғишт заводидан пишган ғишт олиниб, ферма атрофи махсус ўралди. Киройи оғилхоналар пайдо бўлди. Қарабсизки, эски товуқхона ўрнида шу тариқа 750 бош қорамолга мўлжалланган катта бино бунёдга келди. Гўшт етиштиришга ихтисослашганлиги учун ҳам бу ерда асосан новвослар парвариш қилинаётир. 340 дан ортиқ қорамолнинг 80 дан кўпроғини новвослар ташкил этади. 50 та соғин сигир, 10 та от бор. Отларнинг ҳаммаси учқур, тулпор отлар.

Шунча чорвани боқишнинг ўзи бўлади дейсизми? Бунинг учун фермер хўжалигига 60 гектар ер ажратилган бўлиб, 14 гектарда ҳозир беда ниш уриб турибди. Баҳорда яна 30 гектарга беда ва қолган майдонларга макка экилади. Қишлоқ хўжалигидаги ишларни асосан тракторчи йигит Баҳодир Иброҳимов бажаради. Султонали Ғофуров, Маъруфжон ва Орифжон Қосимов, Нурмонжон Турсунқуловлар моллар парвариши билан шуғулланиб, кези келганда қишлоқ хўжалиги ва ёки хўжаликка тааллуқли бошқа барча ишларни бажариб кетаверишади.

Ишлаш учун ҳамма шароит мавжуд — дейди йигитлар. Техникаларимиз яп-янги. Ерларимиз серҳосил, унумдор.

Ўтган йили фермер хўжалиги 27 тонна гўшт билан биргаликда 24,1 тонна сут ҳам топширди. Соғувчи Ўғилой Нуралиева сигирларни парваришлаб, улардан серқаймоқ сут соғиб олаётир.

Энди биз икки оғиз Алижон ака ҳақида... Алижон ким, деб ўйларсиз? Отабекнинг отаси. Поп туман ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг бошлиғи вазифасида ишлайди.

— Чорвачилик ҳам катта хазинанинг бири, — дейди Алижон Фаёзов, — шунинг учун бу соҳа билан қизиққан, шуғулланган одам кам бўлмайди. Фермер хўжалиги ташкил этгунимизгача ҳам уйимизда 5-10 та қорамол парваришлардик. Ўғлим Отабек айниқса чорвага қизиқади, — Алижон ака ўзича кулиб қўйди, — ҳаётда ким нимагадир қизиқади. Отабек чорвага қизиқди. Уйимиздаги сигир, новос, отга бўш вақт топди дегунча меҳр билан қарайди. Уйида соғин сигири бор хонадонга дори-дармоннинг кераги йўқ. Сутқатиқ, сариёғ энг яхши дори. Отабек айтган бўлса керак, фермер хўжалигимизда 10 та от ҳам бор. От фариштали ҳайвон. У яратгандан эгасига тўққиз, ўзига эса бир ризқ сўрар экан. Шунинг учун ҳам от парваришлаш ҳосиятли.

Фермер хўжалигида бу йил 200 тонна гўшт етиштириш кўзда тутилмоқда. Ш. Мирсултонова номли жамоа хўжалигининг гўшт ишлаб чиқариш ва сотиш режалари фермер хўжалиги зиммасига ўтди. Шу мақсадда жамоа хўжалигининг эски молхонаси ва бир нечта бузоқлари сотиб олинди ва фермер хўжалигининг иккинчи фермаси пайдо бўлди.

Биз Отабекни иккинчи фермада учратдик. — Янгилигимиз ҳозирча мана шу дейди у кулиб. — Энди тезликда қурилишни тугутиб олсак бўлди.

«2000 йилда биз 1000 тонна гўшт етиштирамиз». Уларнинг ниятлари шундай. Шаҳар марказида хўжаликнинг гўшт дўкони ишлаб турибди. Бу ердан ҳеч қачон гўшт узилмайди.

Ғаффор РАСУЛ,
«Туркистон» мухбири.

*Қанотли хабар*

### ИҚТИДОРЛАР ТАНЛОВИ

Нукусдаги Эчсон Қўспўлатов номидаги санъат мактабида Наврўз арафасида биринчи марта ёш мусиқа ижрочиларининг кўрик-танлови бўлди. Унда Қорақолпоғистон мусиқа мактабларидан 60 нафар иқтидорли талаба қатнашиб, ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, ва жаҳон халқлари мусиқаларидан намуналар ижро этди. Нукуслик Алишер Ембергенов, Дўсберген Рейимов, Бахит Жақсимуродов биринчи ўринни эгаллади.

*Сенинг тенгдошларинг*

## КОТИБ ЭТИБ САЙЛАНДИ



Сафарбой ОЧИЛОВ,

С. Очилов 1963 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида туғилган.

Тошкент Политехника институтининг саноат ва фуқаро қурилиши факультетни тугатган. Муҳандис ихтисосига эга:

Меҳнат фаолиятини «Жанубийқорақалпоқсувқурилиш» трестида бошлаган. Шу трест тизимида бир қанча масъул лавозимларда ишлади.

1986 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тўрткўл туман қўмитасида ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари, шу бўлимнинг мудири, қўмитанинг иккинчи котиби лавозимларида фаолият кўрсатди.

Кейинчалик у Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасига ишга олинди. Дастлаб Марказий Қўмита шўъба мудири. сўнгра ташкилий ишлар бўлими мудири лавозимида ишлади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг кенгайтирилган II пленумида Марказий Қўмита котиби-ташкилий ишлар бўлими мудири этиб сайланди.

*Баҳор юмушлари*

## ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

Ўлкамизда баҳор нафаси уфурмоқда. Қир-адирлар ямяшил либосга бурканаяпти. Дов-дарахтлар куртак чиқармоқда. Бу фаслда бутун мавжудот уйғонади, қайтадан ёшаради. Деҳқон она-замин бағрига барака уруғи ташласа, чўпон-чўлиқ йил ўн икки ой қилган меҳнат маҳсулини сарҳисоб этади. Қуйингки, бугунги кунда дала ва фермаларда қизғин меҳнат авжга чиққан.

Қарши туманидаги «Чўлиота» жамоа-ширкат хўжалиги меҳнат аҳли ҳар йили эрта баҳорданоқ далага отланди. Шу боисдан бўлса керак хўжаликда ҳамма тармоқ рентабелли ривожланмоқда. Давлат буюртмалари ошиғи билан адо этилаётир. Бу йил хўжалик пахтакорлари 1720 гектар майдонга чигит экишни режалаштирганлар. Шу мақсадда мавжуд майдонларга пушта олиб қўйилди. Экиш агрегатлари эса ўз вақтида созланиб, тайёргарлик чизиғига келтирилган. Чунки, кўзланган марра ҳам юксак. Давлатга 4600 тонна «оқ олтин» етказиб бериш хўжалик пахтакорларининг қалб шиорига айланган. Айни пайтда ариқ-каналларни тозалаш, йўл ва кўприкларни тартибга келтириш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, хўжаликда эртаги сабзавот экиш ҳам туманда биринчи бўлиб бошлаб берилди. Қисқа вақт ичида 1,5 гектар майдонга карам, 0,50 сотихга сабзи ва 6 гектар майдонга картошка экиб бўлинди. Бундан ташқари 33 гектар майдонга беда, 15 гектар ерга лавлаги экилди. 2,5 гектар майдонга терак қаламчалари ўтқазилди. Эски боғлар қайта кўриб чиқилиб, ҳосилдан қолган дарахтлар ўрнига 3 минг туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур дала юмушларини тез ва сифатли бажарилишида хўжаликнинг Товар Ўринов, Саид Ҳайдаров, Рустам Бердиев, Ҳамза Эшов бошлиқ бригадалар ишчиларининг хизмати катта бўлди. Шу кунларда хўжалик деҳқонлари экин экилган майдонларни суғориш ва озиқлантириш ҳаракатида бўлишаяпти.

Хўжаликда ғалла майсаларини парвариш қилиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Ҳозиргача деҳқончилик қилинган 1100 гектар майдондаги ғалла майсаллари бир марта суғорилиб, озиқлантирилди.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Туркистон» мухбири.



## БОШ МУҲАРРИРЛИККА ТАСДИҚЛАНДИ

Вячеслав ИВАНОВ.

В. Т. Иванов Россия Федерациясининг Пермь шаҳрида туғилган.

Краснодар политехника институти муҳандис-механик, Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тугатган.

Меҳнат фаолиятини «Жиззахсувқурилиш» трестида бошлаб, бир қанча лавозимларда ишлаган.

Кейинчалик «Ташкентская правда» газетасида мухбир сифатида фаолият кўрсатган. 1991 йилдан бошлаб «Молодёжь Узбекистана» газетаси таҳририятида ишлаб келмоқда. Аввал Бош муҳаррир ўринбосари, кейинчалик Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи бўлди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг кенгайтирилган II пленумида «Молодёжь Узбекистана» газетасининг Бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Туркистон» газетаси ижодий жамоаси уларни янги вазифалари билан самимий қутлайди ва эл-юрт олқишига сазовор бўлгулик ишлар қилишига тилакдош бўлиб қолади.

# 25 УСТУН

*Наврўз арафасида*

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янгиер умумий овқатланиш корхонаси ҳисобидаги қаҳвахоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, кишиларга шахсий мулк қилиб берилмоқда. Бу ерда давлат тасарруфидаги ошхоналар деярли қолмади, десак ҳам бўлади.

Мисол қилиб «Лола» қаҳвахонасини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, бундай ошхоналардан яна ўнтасини хусусийлаштириш назарда тутилмоқда.

## БАҲОРГИ «БИЗНЕСМЕНЛАР»

Самарқанд — Каттақўрғон йўналишидаги катта йўлнинг биқинида исмалоқфурушларнинг растасиз «дўконлари» очилди. У ерда бир салафан исмалоқни 15 сўмга сотиб оласиз. Агар «қийишиброқ» савдолашсангиз 10 сўмдан ҳам олиш мумкин. «Дўкондор»ларнинг гапига қараганда, бир кунда бир, бир ярим халта исмалоқ сотишаркан.

## РАНГЛИ ЦЕМЕНТ

Рангли цемент тайёрлаш бўйича Навоий цемент заводида ўтказилган тажриба муваффақиятли чиқди. Эндиликда, бу ерда янгиликни ишлаб чиқаришда қўллашга ҳаракат бўляпти. Май ойидан бошлаб корхона яшил, қизил, сариқ ва бошқа рангдаги цементларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

*Шунақаси ҳам бўлади*

## «ҚАРИ»ОНА

Италиянинг Витербо шаҳрилик 62 яшар Розанна Делла Корте дунёдаги энг «қари» она бўлса керак. Негаки, унинг кенжа фарзанди 6 ойлик бўлди.

17 ёшли яккаю-ёлғиз ўғлидан айрилиб қолгач, Розанна фарзандли бўлишни жуда ҳам хоҳлаб қолди. Унинг орзуси рўёбга чиқишида фан ва техника тараққаёти қўл келди.

## ҲУСНИЙ МУБОРАК БИРИНЧИ

Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида Миср ва бошқа араб давлатларида ўтказилган сўров натижасига кўра, Миср Президенти Ҳусний Муборак 1994 йилда энг кўзга кўринган сиёсий арбоб деб топилди.

Сўров жараёнида Миср ва бошқа араб давлатларининг вакилларидан иборат тахминан 4 миллион кишининг фикри ўрганилди.

*Мана шунақа гаплар*

## БЎСА СПИДГА ДУЧОР ҚИЛМАСА-ДА...

СПИДни даволаш йўли топилганда ҳам у йигирманчи аср вабоси бўлиб қолаверади. Шу боисдан изланишлар самара берса ҳам, бесамара бўлса ҳам давом этмоқда.

Оғиз бўшлиғи бўйича жарроҳ, доктор Ризқ Гиргиснинг айтишича, энг сўнгги изланишлар ўта ғалати натижа берган. У ғаройиблигига қарамай СПИДга мубтало бўлганларда умид учқуни уйғотди. Авваллари ошиқ-маъшуқалар ёки эр-хотин орасидаги ўзаро бўса олишлар натижасида СПИД юқиши мумкин, деб келинарди. Лекин текширишлар бўса фақат жигарнинг юқумли касалликка чалинишига сабаб бўлишини кўрсатди, холос. Чунки сўлак таркибидаги «Протен» моддаси оғир аҳволда қолган бемордаги СПИД вирусини ҳам қирқар, йўққа чиқарар экан.

## ХУРРАК ОТИШГА БАРҲАМ БЕРУВЧИ УСУЛ

Мисрлик ва японияликлар орасида хуррак отишга барҳам беришга қаратилган илмий изланишлар ёнбошлаб ухлаш ушбу дарддан фориғ қилишини кўрсатди.

Мисрлик доктор Аҳмад-Асфурий ёнбошлаб ухлаш, уйқу чоғида хуррак отиш хасталигидан тиғ теккизмай фориғ қиладиган энг афзал йўл эканига ишонч ҳосил қилди.

Хуррак тортиш бир қараганда унча хавфли кўринмаса-да, аслида мунтазам хуррак отиш чоғида нафас олиш қийинлашиб, ҳатто тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан бу хасталик ҳам тиббий, ҳам ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жарроҳлик йўли билан бу дарддан ҳоли қилиш кўпчиликка ҳам ёқавермайди. Шу боис таклиф этилаётган ёнбошлаб ухлаш усули ҳаммага баробар маъқул бўлиши табиийдир.

Тадқиқотчи тилча ва бўғизни «тўғрилаб» уни кундуз куни акса уришга, уйқу чоғида хуррак отиш, нафас олишни тўхтаб қолиши ва қонни кислород билан тўйиниши нисбатан таъсирини аниқлаш мақсадида жарроҳлик амалиёти ўтказиб кўрди. Бундан кўзланган мақсад юқори нафас йўлини «оғиз ва иккибодомча» даражасида кенгайтиришдан иборат эди.

Ушбу тадқиқот мисрлик ва япониялик 186 беморда синаб кўрилди, улардан 34 таси мисрлик, 152 таси япониялик эркак ва аёллар эди.

*Келинг, бир кулишайлик*

## ФАҚАТ ЎҒРИ БЕАЙБ

Бир аскарнинг отини ўғирлаб кетишди. Буни эшиган дўстларидан бири деди:

-Айб ўзингда, яхши қарамагансан.

Иккинчи ошнаси деди:

-Хизматкоринг айбдор, эшикни яхши ёпмаган.

-Фақат ўғри беайб экан-да! - деди аскар.

## ТОВУҚ ТЎРТТА КЎРИНМАСМИДИ?

Бир ғилайга хўрозни кўрсатиб, сўрашипти:

-Ғилайлар кўзига битта нарса иккита бўлиб кўринади, дейишади. Шу ростми?

- Ёлғон! Рост бўлганда, шу иккита товуқ менга тўртта бўлиб кўринмасмиди?

## ТУШИМНИ ҲАМ КЎРОЛМАЙМАН

Бир одам ётганда доим кўзойнак тақиб ётар экан. Бир куни одамлар сабабини сўрашса, шундай жавоб берипти:

- Кўзим анча хиралашиб қолган, кўзойнак тақмасам тушимни ҳам кўролмайман.

## ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎРАСАН

— Ада, — деди Вова, — нега бу фильмни болалар кўриши мумкин эмас?

— Сабр қил, нимага эканлигини ҳозир ўз кўзинг билан кўрасан.

## ЯНА НИМА ХОҲЛАЙДИ КЎНГЛИНГ?

Шубасини кияётган аёл эрига ғазаб қилди:

— Эсингни еб қўйибсан-ку. Гардеробчига ҳам юз сўм берадими одам? Нима хизмати учун?

— Қара, у сенга қандай зўр шуба берди. Кўнглинг яна нимани тусайди ўзи?

*Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди*

# ОЛТИН ТОПИЛАР, АММО БУ ДАМ ТОПИЛМАС





(Боши 3-бетда)

Мен юқоридагиларни алоҳида таъкидлаётганлигимнинг боиси ҳозирги ёш авлодга биз кўрган қийинчиликлар, чеккан азоблар сабоқ бўлармикан деган мақсадда бир бор эслатиб қўйишдир.

Азиз ёшлар! Ҳақиқий бахтга эришаман десангиз меҳнатсевар бўлинг. Сизнинг меҳнатга муносабатингиз маънавий ҳаётингизнинг энг муҳим томонидир. Одамни ҳайвондан фарқ қиладиган нарса — меҳнат. Меҳнат қилиш натижасида инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари ривожланган. Туғилган пайтда инсонда туғма онг, нутқ, фикрлаш, юриш-туриш бўлмайди. Буларга инсон таълим-тарбия, меҳнат орқасида эришади. Маданият, санъат, адабиёт, техника — жаъми дунёдаги моддий ва маънавий қадриятлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Дунёда бирорта ишёқмас узоқ яшаган ва ҳурматга сазовор бўлган эмас. Шу боис меҳнаткаш халқимиз «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», — дейди.

Меҳнатга ёшликдан ўргансангиз қариганда роҳатда бўласиз. Ҳунарингиз бўлмаса, одамлар назарида хунук кўринасиз. Ҳунари йўқ - нон гадойи бўлади. Яқинда барзанги бир танишим мендан, нафақахўр фахрийдек қарз сўраб келди. Яқинда давлат ёрдам бермоқчи, деди. Ишласангиз бўлмайдими, — дедим мен танишимга. Иш йўқ, — деди у киши. Бу тўғри гап. Чунки ялқовда мушкулини осон қиладиган илм-ҳунар йўқ.

Болаларни меҳнатга ўргатишда ота-она, мураббий ва устозларнинг роли катта. Меҳнатга ўрганмаган бола ота-онани қийнаши, жиноятга ҳам қўл уриши мумкин.

Сиз ажойиб жамиятимиз халқимиз бахти йўлида тўла куч-қувват билан меҳнат қилинг, кам бўлмайсиз. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Сиз ҳозирги замон техникасини яхши эгаллаб, ўзингиз ҳамда жамият фойдасини кўзлаб ҳалол меҳнат қилсангиз умумий тараққиётга эришамиз, ривожланган давлатлар қаторига чиқиб оламиз. Бунинг учун сиз асалари уясига гул шарбати олиб келгани каби, ҳар бирингиз фидокорона меҳнат қилишингиз керак. Меҳнатсиз турмуш ўғирлик дейдилар. Меҳнатсиз яшаб, азиз умрингизга хиёнат қилманг, халққа юк бўлманг.

***

АЗИЗ ЁШЛАР! Меҳнат жараёнида инсон гўзалликка ўрганади, гўзаллик яратади. Шоир айтгандек, инсонда ҳамма нарса қиёфаси ҳам, кийими ҳам, юриш-туриши ҳам, муомаласи ҳам гўзал бўлиши керак. Чунки инсон меҳнат туфайли табиат ва жамият гўзаллигидан завқланадиган, ҳузур-ҳаловат қиладиган бўлади.

Агар сиз бир ниҳол экиб, уни парваришлаб ҳосилга киритсангиз, бундан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади, сиздан ёмонлик чиқмайди. Чунки гўзаллик ахлоқий покликни шакллантиради, гўзаллик яратувчи меҳнат инсонга хизмат қилса, у одамийликни, олижанобликни, эзгуликни шакллантиради. Одамийлик инсон учун энг асосий нарса. Киши одамийликка гўзаллик орқали эришади. Гўзаллик ҳақидаги орзу-умидлар марказида инсон гўзаллиги туради. Инсоннинг чин гўзаллиги унинг одамийлигида, меҳрибонлигида, одамларга жонкуярлигида, самимий муҳаббатида. Ўзингиздан катта ҳурматли кишиларни зинҳор сансираманг, бу халқнинг энг яхши анъанасини бузиш демак. Иложи борича хушмуомала бўлинг, дўст орттиринг. Яхши кишида чин дўст кўп бўлади. Қўполлик, дилозорлик, зўравонлик, манманлик руҳий қашшоқликнинг белгиси ҳисобланади, ундайлардан одамлар қочади.

Тўғри, ота-она ҳам ҳар хил бўлади. Лекин уларнинг аксарияти бола-чақам деб яшайди, шоирлар уларни Ой билан Қуёшга ўхшатадилар. Шу боис, ота-онангизни тириклигида фарзандлик бурчингизни адо этинг. Улар ўтгач қидириб тополмайсиз, бўлар-бўлмасга уларга ақл ўргатманг, дуосини олинг. Сизга яхшилик қилган кишиларнинг яхшилигига яхшилик қайтаринг, бошқаларни тушуниб ёрдамингизга муҳтож кишиларга ёрдам беринг, савоб бўлади, ёмонликни унутинг. Миллат ажратманг, дўстларингиз кўпаяди, дунёда яхши ном қолдирасиз. Бобомиз Навоий айтганларидек, яхши одам аввало, халқ ғами билан яшайди, булбул чаманни севганидек, ўз диёрини, Ватанини севади.

АЗИЗ ЁШЛАР! Президентимиз мамлакатимиз ҳукумати буюк давлат барпо қилиш ниятида соғлом ва баркамол авлод тарбиялашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу икки тарихий вазифа ўзаро боғлиқ ягона жараён бўлиб, бир-бирига таъсир қилади. Агар ёш авлоднинг ўқишига тарбиясига, яшаш шароитига диққат-эътибор бермасак истиқлол ишининг суръати секинлашади. Мамлакатимизнинг келажаги порлоқ — бунга ишониш керак. Бунинг учун иқтисодий, ижтимоий, жуғрофий, табиий, маданий асос етарли, бор.

Соғлом авлод фақат жисмоний жиҳатдангина эмас, у аҳлоқий-маънавий жиҳатдан ҳам соғлом фикрли, бадиий дидли, маданиятли, етук бўлиши керак. Энг муҳими ёшликда янглишмаслик, тўғри қадам ташлаш. Тўғри экилган ниҳол яхши ўсади.

Истиқлол муқаддас ғоя, улуғ мақсад. У ўзбек диёрида яшовчи барча миллат, элат манфаатларини, эҳтиёжларини ифодалайди. У битмас-туганмас куч-қувват бағишлайди, улуғ ишларга чорлайди. Сиз ана шу улуғ йўлда ёниб яшасангиз, оғишмасангиз ҳамманинг ҳурматига сазовор бўласиз.

Мен сизларнинг ҳаммангиз бахтли бўлишингизни орзу қиламан. Сиз халқнинг юрагидан ўсиб чиққан янги ниҳолсиз, порлоқ келажак боғ-роғларимизнинг боғбонисиз. Билак кучларингиз, покиза ниятларингиз, қалбингиз оташини она юртингизга бағишланг. Меҳнаткаш халқингиз олдида турган вазифаларни аниқ билинг. ҳалол ва фидойи бўлинг, менинг таниш ва нотаниш азиз ёш дўстларим!

Убайдулла БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

*Спорт*

## КАРАТЭЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Пойтахтдаги Марказий Ҳарбий Спорт Клуби майдонларида Тошкент шаҳар каратэ федерацияситашаббуси билан очиқ чемпионат бўлиб ўтди. Унга Россия ҳамда Марказий Осиё республикаларидан спортчилар ташриф буюришди.

- Мазкур мусобақани Наврўз айёмига бағишлаб уюштирдик, - дейди Тошкент шаҳар каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов. - Унда 500га яқин каратэ билан астойдил шуғулланадиганлар иштирок этишди. Улар орасида республика ҳамда хорижда таниқли бўлган спортчилар билан бирга ҳаваскорлар ҳам қатнашдилар. Жумҳуриятимизда тобора оммалашиб бораётган бу спорт турига барча минтақаларда қизиқиш катта. Шу боисдан бўлса керак, мусобақа жуда қизиқарли ўтди. Икки кун мобайнида чемпионат қизғин баҳсларга бой бўлди. Мусобақа якунларига кўра, Тошкент ҳамда Қозоғистонлик спортчилар маҳорат борасида етук эканликларни исбот этдилар.



СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.
Муҳаммад АМИН.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Ўлкамизда кезар Наврўзи олам
- Қуёшга интилган инсон

*Газета саҳифаланаётганда:*

## ЯНГИ ТАРМОҚ

Китоб туманида аҳолининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, «Зарафшон» жамоа-ширкат хўжалигида сутни қайта ишлайдиган янги тармоқ фаолият кўрсата бошлади.

У бор-йўғи уч ой ичида ишга туширилди.

Корхонада сутни қайта ишлаш билан бирга, қаймоқ, сарёғ, пишлоқ ва сузма тайёрланади. Асбоб-ускуналар эса Навоий шаҳридан келтирилди. Тармоқда бир кеча-кундузда 12-15 тоннагача сутни қайта ишлаш имконияти бор. Корхонада Суюм Бойқобилов, Камол Раҳимов, Икром Қаландаров каби илғор ёшлар меҳнат қилади.

— Яна қўшимча томат, қўлбосди ишлаб чиқариш тармоқлари ва музлатгич хоналари қуришни мўлжаллаб қўйибмиз, — дейди корхона бошлиғи Сайфиали Форсаев.

Шукурулла АЛИҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

*Санъат*

# «ЛАЗГИ» ЖОН БАҒИШЛАЙДИ

Мозийда Хоразмнинг умрибоқий кўҳна лазгисига оллои таоллонинг табаррук эҳсони деб қарашган. Ҳақиқатга яқин бу сўзларда жон бордай. Негаки, илоҳий рақс-лазгининг келиб чиқиш тарихи тўғрисида шундай афсона мавжуд.

Лойдан алоҳида-алоҳида қилиб ясалган инсон танасига жон бағишлаш учун буйруқ берилади. Танага кириб кетган жон бирданига қўрқиб қайтиб чиқади. Унга яна буюришади. «Қўрқаман» дея жавоб беради жон.

Шу пайт илоҳий бир куй таралади. Куйга маҳлиё бўлиб қолган жон қандай қилиб танага кириб кетганини билмайди. Даставвал бармоқларга, сўнгра билакларга, кейин елкаларга аста жон бағишлаб, инсон тирила бошлайди. Бу илоҳий куй «ЛАЗГИ» эди.

Дарвоқе, ҳар бир ақида замирида ҳақиқат ётади. Бу ривоят қанчалик тўғри эканлигини «Лазги» ўз рақслари орқали исботлаб турибди.

Айни пайтда Хоразм «Лазги»сининг ўнта тури мавжуд. Унинг ижрочилик услуби ранг-баранг, турли-туман бўлса-да, бироқ унда ўша афсонавий тарих сақланган. «Лазги»да олдин бармоқлар, билаклар ва елкалар ҳаракатга келтирилади. Инсон тирилиб, жўшқинлик билан рақсга туша бошлайди.

Ҳассос санъаткор, Хоразм қўшиқчилигининг жонкуяри, устоз Комилжон Отаниёзов «Лазги» - илоҳий рақс» деганида нақадар ҳақдир. «Лазги» рақсини хоразмликлардай чиройли ва маромига етказиб ижро эта оладиган халқ бўлмаса керак. Чунки «Лазги» ўз ижрочисини танлайди. Демакки, юқоридаги афсонанинг нақадар тўғри ва ҳақ эканлиги тағин ўз ифодасини топгандай.

Хоразмда ҳар йили «Лазги» кўрик-танловини ўтказиш чиройли бир анъанага айланган. Бу танловда турли касб эгалари ва турли тоифадаги, ҳар хил ёшдаги кишилар иштирок қиладилар.

Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси, вилоят маданият бошқармаси ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорликда ўтган йилнинг охирида «Лазги-94» тадбирини нишонладилар. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу танловда етти яшардан то етмиш ёшгача бўлган кишилар маҳоратларини намойиш қилдилар.

Кўрик-танловнинг олий шоҳсупаси Ҳазорасп туманидаги маданият уйи «Хумор» дастаси иштирокчиси Нодирахон Абдуллаевага насиб қилди. У Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Урганч шаҳридаги Улуғбек номли ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Саодат Ниёзматова «Сурнай лазги»сини мақомига етказиб ижро қилганлиги учун фахрий биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Ўттиз ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида эса «Хива лазги»си ижроси учун Урганч шаҳри маданият уйи қатнашчиси Сайёра Матёқубова ғолиб чиқди. Надежда Каримова эса ўттиз ёшдан юқори бўлган иштирокчилар орасида биринчиликни қўлга киритди. Чаноқ ўйинини чиройли ижро қилган Янгиариқ туманидаги Баёний номли ўрта мактаб 4-синф ўқувчиси Дилрабо Жуматовага иккинчи ўрин насиб қилди. Урганч туманидан Шарофат Қўчқорова, Умида Авазимбетова, Хонқадан Гўзалхон Каримова, Боғот туманидан Қаҳрамон Одамбоев, Янгибозордан Манзура Ортиқова, Роҳатой Ниёзматова, Хивадан Насиба Машарипова, Қўшкўпирдан Қўчқор Аширов, Гурландан Гавҳар Йўлдошева фахрли ўринларни эгаллаб, олқишларга сазовор бўлишди.

Шуниси қувончлики, халқимиз «Лазги»ни жон-дилдан севиб ижро қилади. Зеро, «Лазги» куйи таралганда тинчгина ўтирган одам камдан-кам топилса керак. «Лазги» эшитилганда қувонч, шодумонлик таралади.

Ҳа, истеъдодли санъаткор бўлиш мумкин-у, бироқ ҳақиқий «Лазги»чи бўлиш мушкул. Бу хоразмликларнинг гапи. Хоразмликларнинг жонжонига, қон-қонига жо бўлган «Лазги»ни ижро қилиш маҳорати отамеросдир. Шу боис хоразмликлар оташнафас «Лазги»ни қойил қилиб ижро этсалар керак-да.

Дилбар БЕКЖОНОВА,
«Туркистон»нинг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0106
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6